

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Йўлқурилиш”
Акциядорлик жамияти
Бошқарув раиси ўринбосари

А.А.Аулов

“Йўлқурилиш” Акциядорлик жамияти

Йиғилишининг

01 - сонли

БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

2024 йил 12 январь

Таклиф этилганлар: Тошкент шаҳар Миробод тумани Нуроний жамғармаси раиси, Қуролли кучлар фахрийси – Каюмов Хайрулло Забиҳуллаевич.

Қатнашдилар: “Йўлқурилиш” АЖ ходимлари.

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш тўғрисида

Кун тартибидаги масала бўйича Касаба уюшма раиси А.Казакбаев сўзга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 декабрдаги Ф-79–сонли “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига бағишланган видеолавҳа намойиш этилди.

Сўз, Тошкент шаҳар Миробод тумани Нуроний жамғармаси раиси, Қуролли кучлар фахрийси–Каюмов Хайрулло Забиҳуллаевичга берилди.

1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди. Давлатимиз раҳбари ташаббусига асосан армиямизни ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очилди. 1993 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди. Ватанни ҳимоя қилиш барча учун муқаддас бурч ҳисобланади. Бу бурчни адо этишда юртимизнинг ҳимоячилари бўлган миллий армиямиз ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда олиб бораётган хизматини муносиб баҳолаш ҳамда уларга зарур шарт-шароит яратиш масалалари ҳам давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Армия ва халқ – бир тану бир жон!” деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмоқда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради”, деб айтган гапларида ҳам Қуролли Кучларимизнинг халқ билан ҳар қачонгидан ҳам яқинлигини англашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг минтақамизда ва ҳозирги дунёда тутган геостратегик ва геосиёсий ўрнини, мамлакатимиз ҳавфсизлигига қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдид ва хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазоларни ҳисобга олган ҳолда, армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда. Армия сафларига, авваломбор, мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етук кадрлар келмоқда. Ватанимиз тупроғидаги ҳар бир қарич ер муқаддас ҳисобланади. Бугунги ёшларимиз мустақил Ватанимизнинг посбонларидир. Биз навқирон авлод вакилларини баркамол, етук кишилар қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий ғурурни изчил шакллантириб борсак, Ватанимиз шунчалик қудратли давлатга айланади. Она Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, содиқлик, фидойилик туйғуларини ҳис этиб яшаётган ёшларимиз мустақил юртимизнинг келажагидир.

Йиғилиш иштирокчилари юртимиз Ўзбекистонда Ватан ҳимояси каби улуғвор ишга ўзини бағишлаган ҳарбийларимизни катта ҳурмат ва эъзоз билан кадрлаб, “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” байрами билан чин кўнгилдан табриқладилар. Сўзга чиққан мажлис катнашчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда **Йиғилиш қарор қилади :**

“14 январь–Ватан ҳимоячилари куни” мазмун-моҳиятини, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, ўз Ватанига содиқ ва фидойи инсонлар этиб тарбиялаш барча “Йўлқурилиш” АЖ жамоаларнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Баённомани ёзиб борди



Ш.Арзиқулова